



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 1

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№1 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-1>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Kutpiddinov Xusniddin Muxiddinovich

ETIM BOLALAR VA OTA-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO‘LGAN BOLALARNI JOYLASHTIRISH SHAKLLARINING HUQUQIY VA INSTITUTSIONAL ASOSLARI.....5

2. Авлиякулова Матлуба Авазовна

КОРПОРАТИВ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ.....13

3. Раҳимкулова Лола Улуғмуродовна

ИШ ТАШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ. ҚОНУНЧИЛИҚДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН КАФОЛАТЛАР.....21

4. Karimova Nigina Botirjon qizi

YO‘QOLIB KETISH XAVFI OSTIDAGI YOYVOYI FAUNA VA FLORA TURLARINI MUHOFAZA QILISHDA VASHINGTON (CITES) KONVENSIYASINING HUQUQIY ANAMIYATI.....28

5. Xakberdiyev Nurali Salaxiddinovich

ICHKI ISHLAR ORGANLARI XODIMLARINING PROFESSIONAL FAOLIYATINI BELGILOVCHI OMILLAR.....35

6. Turayev Jo‘rabek Shonazarovich

JORIY SHAROITLARDA ICHKI ISHLAR ORGANLARINING JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA‘MINLASH FAOLIYATINING ILMIIY-NAZARIY TAVSIFI.....43

7. Hojiyev Nosirjon Komilovich

YO‘L HARAKATI VA TRANSPORT VOSITALARIDAN FOYDALANISH QOIDALARINI BUZGANLIK UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNI TAKOMILLASHTIRISH MUAMMOLARI.....50

8. Рузиев Маъруфжон Муртазаевич

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШУВИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....58

9. Orakbayev Erpolat Temirbay ugli

TERGOV SUDYASI INSTITUTI: SHAKLLANISH TARIXI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....65

10. Husanboev Sardor Abdugarimovich


YOSHLAR O‘RTASIDA EKSTREMISTIK TAHDIDLARNING PROFILAKTIK CHORATADBIRLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI.....72

11. Xolmirzayev Muhsinbek Shavqiddin o‘g‘li

KRIMINOLOGIK SIGNAL TIZIMI (REAL-TIME ALERTS): SUN‘IY INTELLEKT ASOSIDA JINOYAT XAVFINI OLDINDAN ANIQLASH VA PROFILAKTIKA QILISH MODELII.....82

12. Курбонов Давлат Равшанович

ШАХС ОЗОДЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ ИЖТИМОИЙ-БИОЛОГИК ТАВСИФИ.....87




12.00.05- ТРУДОВОЕ ПРАВО. ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Раҳимқулова Лола Улуғмуродовна,
 Тошкент давлат юридик университети
 доценти вазифасини бажарувчи, PhD
 E-mail: rahimqulovalola@gmail.com

**ИШ ТАШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА
 МАЖБУРИЯТЛАРИ. ҚОНУНЧИЛИҚДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН КАФОЛАТЛАР**

For citation: Rakhimkulova Lola Ulugmurodova. RIGHTS AND OBLIGATIONS OF PARTIES TO LEGAL RELATIONS RELATED TO A STRIKE. GUARANTEES PROVIDED BY LAW. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 1.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18509326>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон меҳнат муносабатларида содир бўладиган иш ташлашларда иштирок этадиган субъектлар доираси ёритиб берилган. Шунингдек, жамоавий меҳнат низолари ҳал этилмаганга иш ташлаган ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси орқали тадқиқ этилган. Иш ташлаган ходимларга меҳнат қонунчилигида акс этган кафолатлар мазмунан очиб берилди. давлатлар кесимида иш ташлаш ҳаракатларига иштирок этиш ҳуқуқи турли хил ўлчамларда тадқиқ этилди. Қатор хорижий давлатлар тажрибасида иш ташлаш ҳаракатларида субъект сифатида иштирок этиш учун ҳеч бир чеклов мавжуд эмаслиги мазмунан очиб берилди.

Калит сўзлар: меҳнат, низолар, жамоавий, конфликт, босқич, ҳуқуқ, қонун.

Раҳимқулова Лола Улуғмуродовна,
 Исполняющий обязанности доцента Ташкентского
 государственного юридического университета, PhD
 E-mail: rahimqulovalola@gmail.com

**ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ СУБЪЕКТОВ ПРАВООТНОШЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С
 ЗАБАСТОВКОЙ. ГАРАНТИИ, ПРЕДУСМОТРЕННЫЕ ЗАКОНОМ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается круг субъектов, вовлеченных в забастовки, которые имеют место в трудовых отношениях Узбекистана. Также на основе опыта развитых зарубежных стран были исследованы права и обязанности работников, объявивших забастовку, когда коллективные трудовые споры не были разрешены. Были раскрыты гарантии бастующим сотрудникам, отраженные в трудовом законодательстве. право на участие в забастовках в различных штатах было исследовано в различных масштабах. Из опыта ряда зарубежных

стран в содержании было выявлено, что нет никаких ограничений на участие в качестве субъекта в забастовочных акциях.

Ключевое слово: труд, споры, коллектив, конфликт, стадия, Право, Законность.

Rakhimkulova Lola Ulugmurodova,

Acting Associate Professor of Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy in Law

E-mail: rahimqulovalola@gmail.com

RIGHTS AND OBLIGATIONS OF PARTIES TO LEGAL RELATIONS RELATED TO A STRIKE. GUARANTEES PROVIDED BY LAW

ANNOTATION

This article examines the range of actors involved in strikes that take place in the labor relations of Uzbekistan. Also, based on the experience of developed foreign countries, the rights and obligations of workers who went on strike when collective labor disputes were not resolved were investigated. Guarantees to striking employees, reflected in labor legislation, were disclosed. The right to participate in strikes in various states has been investigated on various scales.. From the experience of a number of foreign countries in the content, it was revealed that there are no restrictions on participation as a subject in strike actions.

Keywords: labor, disputes, collective, conflict, stage, Law, Legality.

Меҳнат муносабатларида иш ташлаш билан боғлиқ жараёнда ташкилот ва ходимлар жамоаси ўртасида тартибга солиниши лозим бўлган бир қатор ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида ҳалигача иш ташлаш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тартибга солинмаганлиги боис, унда бевосита иштирок этувчи ёки иштирок этишни хоҳламаган ходимларнинг, шунингдек иш берувчиларнинг иш ташлаш ҳаракатлари давомида ҳуқуқ ва мажбуриятлари чегараси белгилаб кўйилмади[1].

Юриспруденцияда субъектив ҳуқуқ деганда қонунда акс этган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар тушунилади. Субъектив ҳуқуқ – фуқаровий ташкилотнинг ўз манфаатларини қондириш билан боғлиқ мақсадига эришиш йўлида амалга ошириш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари қонун орқали таъминланган чорасидир. Субъектив ҳуқуқнинг дастлабки шarti - ҳуқуқий лаёқатлилиқ, яъни умумий ҳуқуққа эга бўлиш лаёқати асосида юзага келади. У муайян ҳаракатни талаб қилиш эҳтимолини ҳам ўз ичига олади, чунки бундай хатти-ҳаракат субъектив ҳуқуқни амалга ошириш учун шароит яратиб беради.

Меҳнат кодексининг 19- моддасида ходим ва иш берувчи меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари сифатида ифода этилган. Унга кўра, меҳнатга оид ҳуқуқ лаёқатига ва муомала лаёқатига эга бўлган, Меҳнат кодексига белгиланган ёшга етган ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ходим мақомига эга бўлади. Мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, ташкилотлар ва унинг филиал ҳамда ваколатхоналари ёки алоҳида бўлинмалари иш берувчи бўлиши мумкин. Шунингдек, бугунги кунда жисмоний шахслар ҳам:

- юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлса;
- ўзига хизмат кўрсатилиши ва уй хўжалигини юритишда ёрдамлашиш мақсадида уй хизматчиларини ёллашни амалга оширишса иш берувчи бўлиши мумкин[2].

Биламизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга кўйиш ҳамда солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатлар ҳисобини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 707-сонли қарорида якка тартибдаги тадбиркорларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари бўйича

беш нафаргача ходимларни ёллаш ҳуқуқи берилган. Бироқ, жамоавий меҳнат низолари деб таснифланиш учун ходимлар сонининг аниқ чегараси ҳуқуқий тартибга солилмаганлигидан келиб чиқиб, иш берувчи – якка тартибдаги тадбиркор ва унинг беш нафаргача бўлган ходими ўртасида жамоавий меҳнат низолари юзага келиши ва мазкур низоларни ҳал этиш мақсадида иш ташлаш ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга саналади деб хулоса бериш мумкин.

Шунингдек, иш берувчи бўлган жисмоний шахсларга уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжларини қаноатлантириш учун ишларни бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи ходимлар (боғбонлар, энагалар, қоровуллар, оқсочлар, ҳайдовчилар ва бошқа шу каби ходимлар) уй ишчилари ҳисобланади. Шуниси маълумки, меҳнат қонунчилигида жисмоний шахс бўлган иш берувчида ёлланиб ишловчи уй хизматчилари сони ва унинг чегараси билан боғлиқ ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас. Ушбу ҳолатда иш берувчи ва уй хизматчилари ўртасида янги меҳнат шартларини белгилаш ва мавжуд меҳнат шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хусусида жамоавий меҳнат низолари содир бўлиши ва мавжуд низони бартараф этиш мақсадида уй ишчилари ҳам иш ташлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлади. Бу борада амалдаги қонунчилик нормаларида ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас.

Демак, иш ташлашга оид ҳуқуқий муносабатлар – ходимлар иш ташлашга оид ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ифода этилиши билан боғлиқ муносабатдир.

Иш ташлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар субъектлари икки катта турга: жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишда иш ташлаш ҳуқуқидан фойдалана оладиган ҳамда мазкур низоларни ҳал этишда иш ташлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдиган субъектларга ажралади. Маълум бўлдики, корхонада барча ходимлар ҳам иш ташлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда субъект сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, жамоавий меҳнат низоларида иштирок этаётган ходимларнинг барчасини ҳам иш ташлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида эътироф этиб бўлмайди.

Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлили шуни кўрсатдики, давлатлар кесимида иш ташлаш ҳаракатларига иштирок этиш ҳуқуқи турли хил ўлчамларда баҳоланган. Мисол учун, Италия ва Колумбияда иш ташлаш ҳаракатларида субъект сифатида иштирок этиш учун ҳеч бир чеклов мавжуд эмас, шунчаки умумий манфаатлар мос келиши лозим бўлади. Ходимларнинг бирор бир уюшма аъзоси эканлиги ҳақидаги маълумот талаб этилмайди. Финляндияда эса, бошқа касаба уюшмасига аъзо бўлган ходимлар эса, иш ташлаш ҳаракатларининг марказида иштирок этиш шarti билан қўшилади. Чилида эса, жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш мақсадида яраштириш тартиб-таомилларида иштирок этган ходимларгина иш ташлаш ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи билан таъминланади. Бироқ, айрим давлатларда хусусан, Японияда касаба уюшмасига аъзо бўлмаган ёки бошқа касаба уюшмаси аъзоси бўлган ходимлар иш ташлаш ҳаракатларида қатнаша олмайди. Ирландияда иш ташлаш ҳаракатларини касаба уюшмалари бошлайди ҳамда ушбу ҳаракатларда иштирок этишда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган ходимларга нисбатан имтиёзлар кўпроқ берилади. Буюк Британияда эса, касаба уюшмасига аъзо бўлмаган ходимлар иш ташлаш ҳаракатларига иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлсада, бироқ овоз бериш ҳуқуқига эга эмас [3].

Шуниси эътиборлики, мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида ходим билан иш берувчи ўртасидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ҳақиқатда тартибга соладиган фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартномалар тузиш таъқиқланиши белгилаб қўйилган. Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган муҳим Қонун – Меҳнат кодексида якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари ва юзага келиш сабаблари белгилаб берилган. Бироқ, мазкур субъектлар ўртасида жамоавий меҳнатга оид муносабатлари ҳам юзага келиши табиий ҳолатдир. Шу нуқта-назардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, меҳнат ҳуқуқи фани доирасида қуйидаги фикр-мулоҳазалар ўрганилиши ва белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ:

- корхонада иш ташлаш ҳаракатлари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда корхонада меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг вакиллари иш ташлаш ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

- корхонада жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда корхонада меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Айтиб ўтиш лозимки, иш ташлаш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларидан бири бўлиб, ўз ўрнида бошқа ҳуқуқлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб чиқади:

- бу ҳуқуқ ўзича мустақил қўлланилмасдан, бирор мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилади;

-бу ҳуқуқ инсоннинг бошқа ҳуқуқларидан фарқли равишда баъзан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилиши ёки чекланиши ҳам мумкин;

бу индивидуал ҳуқуқ бўлишига қарамасдан уни амалга оширишда жамоа бўлиб ҳаракатланиш лозим[4].

Хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибаси ўрганилганда, иш ташлашга оид ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда ходимлар ҳамда иш берувчиларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек ушбу ҳаракатларни амалга оширишда ходимларга нисбатан бир қатор кафолатлар назарда тутилганлиги кузатилди. Ходимларнинг энг муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири бу қонунда белгилаб қўйилган иш ташлаш ҳаракатларига ўз ихтиёри билан иштирок этиши ёки унда иштирок этишни рад этиш ҳуқуқи сифатида намоён бўлади. Айтиб ўтиш лозимки, мазкур ҳуқуқ ҳозирда тўқсон бешта давлат бош қомусида ўз аксини топган.

Корхонада иш берувчи вакили бўлган ходимлар иш ташлаш ҳаракатларини ташкил этиши ёки унда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Корхонада иш берувчи вакили сифатида ҳаракатларни амалга оширувчи шахслар юзасидан Меҳнат кодексининг 46-моддасида иш берувчининг вакиллигини ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини бошланғич даражада ифода этиш ва ҳимоя қилишни ташкилот раҳбари, жисмоний шахс бўлган иш берувчи ёки улар ваколат берган шахслар қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда иш берувчининг таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши белгилаб қўйилган. Улар одатда цех, бўлим, бошқарма бошлиқлари, юрист ҳамда бухгалтерия ходимлари ҳамда филиал ва ваколатхона раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари бўлишади. Юридик шахс билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузган шахслар иш берувчи вакили бўла олмайди. ФПКнинг 67-моддасида ҳам, маъмурий ишлар бўйича МЖТКнинг 60-моддасида ҳам юридик шахслар номидан шартнома бўйича вакилликни уларнинг ходимлари амалга ошириши мумкин эканлиги белгилаб қўйилган.

Иш ташлаш ҳаракатлари бошланишидан маълум бир муддат олдин (бу муддат давлат кесимида бир-биридан фарқ қилади) ходимлар вакиллик органи иш берувчи ва унинг вакилларини ёзма равишда расман огоҳлантириш мажбуриятига эгадир. Мазкур процессуал муддатларга амал қилинмай бошланган иш ташлаш ҳаракатлари ноқонуний деб топилади ва белгиланган тартибга жавобгарликка олиб келади.

Амалиётда иш ташлашда ходимларнинг бир қисми иштирок этса, айрим ходимлар ўз меҳнат функциясини давом эттиришни исташади. Бу ерда ходим иш ташлаш ҳаракатларида иштирок этган соатлари ёки кунлари учун иш ҳақи олиш ҳуқуқига эгами деган савол ўринли бўлади.

Шуниси эътиборлики, халқаро қоидаларда иш ташлаш ҳаракатларида қатнашганларга нисбатан иш ҳақи берилиши лозимлиги қондаси мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб, унга нисбатан ҳар хил ёндашув мавжуд. Мисол учун, Грузия Меҳнат кодексининг 49-моддасида иш ташлаш давомида иш берувчи ходимларга иш ҳақини беришга мажбур эмаслиги тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган бўлса[5], Беларусия Меҳнат кодексининг 396-моддасида иштирок этишнинг бутун даврида ходимларга иш ҳақи тўланмайди ҳамда бу давр ҳар йилги меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинмайди. Баъзи давлатларда бу масала яна ҳам мураккаб тартибга солинганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Россия Федерациясида бу иш берувчига боғлиқ сабаблар ва унга боғлиқ бўлмаган

сабаб оқибатида юзага келишига боғлиқ бўлади. Биринчи вазиятда ходимлар ўртача иш ҳақининг учдан икки қисмини, иккинчи вазиятда эса базавий иш ҳақининг учдан икки қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Хулоса қиладиган бўлсак, иш ташлаш ҳаракатларида иштирок этаётган ходимларга нисбатан иш ҳақи ёки стаж билан боғлиқ кафолатлар кўзда тутилмайди, аксинча бу ҳаракатларда иштирок этмаётган ходимлар иш ҳақларини тўлиқ миқдорга олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган[6].

Шунга қарасдан, кўплаб давлатлар тажрибасида касаба уюшмалари томонидан иш ташлашда иштирок этаётган ходимларни молиявий томондан қўллаб-қувватлаб туриш учун махсус фондлар ташкил этилиши йўлга қўйилган. Бизнингча, бу ҳам иш ташлашда иштирок этаётган ходимлар учун зарурий шартлардан биридир. Эътиборлиси, бундай фондларнинг мавжудлигини (strike pay) ривожланган давлатлар тажрибасида кўплаб учратамиз. Мисол учун, Буюк Британияда айрим бир касаба уюшмалари томонидан иш ташлаган ходимларга мазкур тўловлар тўланади. Ходимларнинг молиявий ҳолатини ёмонлаштирмаслик учун тўланадиган бу туловлар иш ҳақи сифатида кўрилмаганлиги боис, солиқ ундириш объекти бўлмайди[7].

Дания касаба уюшмалари томонидан бу тўловлар ўртача ойлик иш ҳақининг саксон фоизигача тўлаб берилиши мумкин эканлиги кўрсатилган [8].

Тожикистон Меҳнат кодексига ҳам ходимлар вакиллик органлари томонидан иш ташлаш фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга эканлиги қонун даражасида белгилаб қўйилган.

Шуниси эътиборлики, айрим давлатлар, жумладан Белорусия Меҳнат кодексининг 388-моддаси талабларига кўра, иш ташлаш ҳаракатларида қатнашаётган ходимлар сиёсий тартиялардан, жамоат бирлашмаларидан ёки хорижий давлатлар маблағлари ҳисобидан моддий ёрдамлар олиши таъқиқлаб қўйилган[9].

Бизнинг назаримизда ҳам, иш ташлаган ходимларга нисбатан бу каби бирлашмалардан ёки хорижий давлатлардан моддий таъминот олиши рад этилиши мақсадга мувофиқ саналади. Чунки, меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиққан иш ташлашлар сиёсий аҳамият касб этиб, ҳуқуматлар учун жиддий хавф манбаига айланиши мумкин бўлади.

Иш ташловчи ходимлар корхона ҳудудини иш вақти давомида тарк этсамликка мажбурдир. Иш ташлаш ҳаракатларида иштирок этаётган ходимлар унга раҳбарлик қиладиган орган талабларини сўзсиз бажариши, ўрнатилган тартиб-таомилларни амалга ошириш талаб этилади.

Шунингдек, иш берувчи иш ташлаш ҳаракатлари давомида ходимларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳуқуқига эга саналади[10]

Шуни таъкидлаш лозимки, кўплаб МДХ давлатлари қонунчилигида иш ташлаш ҳаракатлари давомида низолашаётган субъектларга нисбатан яна бир қатор мажбуриятлар юкланилганлигини гувоҳи бўламиз. Мисол учун, Қирғизистон Республикаси Меҳнат кодексининг 258-моддаси мазмунида олтига яқин мажбурият кўзда тутилган бўлиб, улар қуйидагилар:

- иш ташлаш ҳаракатлари давомида ҳам тарафлар мавжуд низони ҳал этиш учун ўзаро музокараларни давом эттириб бориш мажбуриятини олади;
- иш берувчига, иш ташлашга раҳбарликни амалга оширувчи органга иш ташлаш давомида жамоат осойишталигини сақлаш, ташкилотнинг моддий-техник базасини бут сақлаш, ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти юклатилади;
- тўхтаб қолиши бевосита хавф туғдирадиган машина ва ускуналарнинг ишлаб туриши таъминланиши мажбурияти юклатилади;

Фаолияти одамларнинг хавфсизлиги ва соғлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ташкилотларда (филиалларда, ваколатхоналарда) ва жамиятнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган минимал зарур ишлар (хизматлар) рўйхати иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида (кичик тармоғида) тегишли ижро етувчи ҳокимият томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

- Ташкилотда (филиалда, ваколатхонада) зарур ишларнинг (хизматларнинг) минимал миқдори жамоавий меҳнат низоси тарафларининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи билан биргаликда иш ташлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур бўлган ишларнинг (хизматларнинг) минимал рўйхати асосида келишуви билан белгиланади. Иш (хизмат) турини минимал зарур ишларга (хизматларга) киритиш фуқароларнинг соғлиғига зарар етказиш еҳтимоли ёки ҳаётига таҳдид солиши билан боғлиқ бўлиши керак. Ташкилотда (филиалда, ваколатхонада) зарур ишлар (хизматлар) нинг минимал миқдорига зарур ишлар (хизматлар) нинг тегишли рўйхатларида назарда тутилмаган ишлар (хизматлар) киритилиши мумкин эмас.

-Ташкилотда (филиалда, ваколатхонада) зарур ишларнинг (хизматларнинг) минимал миқдорини белгилайдиган органнинг қарори устидан жамоавий меҳнат низоси тарафлари судга шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд.Қозоғистон, Россия Федерацияси, Литва, Белорусия, Тожикистон ва шу каби кўплаб давлатлар Меҳнат кодексига ҳам иш ташлашлар давомида тарафларнинг мажбуриятлари алоҳида норма қилиб берилган.

Юқоридаги таҳлилларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 34 боби 6 параграфини “Иш ташлаш мобайнида жамоавий меҳнат низоси субъектларининг мажбуриятлари” деб номланган алоҳида модда билан тўлдиришни ва у қуйидагича мазмунда ифода этилишини таклиф этамиз:

Иш ташлаш мобайнида ҳам низолашаётган субъектларга жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш юзасидан келишувга эришиш мақсадида ўзаро музокараларни давом эттириш мажбурияти юклатилади.

иш берувчига ва иш ташлашга раҳбарликни амалга оширувчи органга нисбатан иш ташлаш давомида жамоат осойишталигини сақлаш, ташкилотнинг моддий-техник базасини бут сақлаш, ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш, тўхтаб туриши инсонлар ҳаётига хавф солувчи техника ва асбоб-ускуналар фаолиятини таъминлаш мажбурияти юклатилади.

Халқаро стандартларда “ҳаёт учун муҳим хизматлар” термини остида аҳолининг ёки унинг бир қисмининг нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган бирламчи объектлар: шифохона, сув, электр энергияси, аълоқа хизматлари тушунилади. Хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, иш ташлашда иштирок этадиган ходимларга нисбатан бир қатор кафолатлар кўзда тутилган. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтиш мумкин:

дунёнинг 95 та давлати конституциясида ҳар бир инсон иш ташлаш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатлаб қўйилган. Шунингдек, жамоа бўлиб бирлашган ҳолда ўз манфаатлари йўлида бирлашиб, ҳаракат қилиш ҳам кафолатланади.

Иш ташлашни ташкил этиш ёки унда иштирок этиш меҳнат интизомини бузиш деб талқин этилмаслиги ҳамда қонунчиликда назарда тутилган интизомий жазога тортилмаслиги кафолатланади.

Шунингдек, қонуний иш ташлаш ҳаракатлари давомида ходимлар билан иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш таъқиқланади. Бизнинг назаримизда, иш ташлашда иштирок этаётган ходимларга нисбатан тақдим этиладиган мазкур кафолатлар корхонада ходимларнинг жамоа бўлиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

МДХ давлатлари меҳнат қонунчилигида ходимларга иш ташлашни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор кафолатлар ифода этилган бўлиб, ушбу кафолатлар мазмунан бири-бирига яқинлиги билан аҳамиятлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 34 боби 6 параграфини “Ходимларга иш ташлаш ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ кафолатлар” деб номланган алоҳида модда билан тўлдиришни таклиф этамиз ва ушбу таклиф этилаётган модда мазмунида ходимлар учун қуйидаги кафолатлар акс этиши лозим деб ҳисоблаймиз:

Иш ташлашни ташкил этиш ёки унда иштирок этиш билан боғлиқ ходимлар ҳаракатлари меҳнат интизомини бузиш деб қаралмаслиги ва ушбу кодексда назарда тутилган интизомий жазоларга тортилиши мумкин эмас.

Иш ташлаш давомида ходимларнинг лавозими ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳуқуқлари сақлаб қолинади.

Иш ташлаш вақтида ходимларга иш ҳақи тўлаб берилмайди. Иш ҳақини бермаслик ёки ўз вақтида бермаслик оқибатида иш ташлаш ҳаракатлари келиб чиққан ҳоллардан ташқари иш ташлаш вақтида ходимларга иш ҳақи тўлаб берилмайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон; 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон; 04.07.2024 й., 03/24/934/0469-сон; 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон; 14.02.2025 й., 03/25/1030/0144-сон; 24.06.2025 й., 03/25/1070/0536-сон; 12.11.2025 й., 03/25/1095/1036-сон; 09.12.2025 й., 03/25/1101/1135-сон (National database of legislative information, 29.10.2022, No. 02/22/798/0972; 04/12/2023, No. 03/23/829/0208; 03/23/880/0905 dated 11/29/2023; 02/22/2024, No. 03/24/911/0142; 07/04/2024, No. 03/24/934/0469; 09/21/2024, No. 03/24/963/0735; 02/14/2025, No. 03/25/1030/0144; 06/24/2025, No. 03/25/1070/0536; 12.11.2025, No. 03/25/1095/1036; 09.12.2025, No. 03/25/1101/1135)
2. Рахимкулова Л. Выды Забастовок в мировом опыте. // Journal of intellectual property and Human rights. Vol 4.2. (2025) (Rakhimkulova L. Rakhimkulova L. Types of Strikes in World Experience. // Journal of intellectual property and human rights. Vol 4.2. (2025))
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.11.2021 й., 09/21/707/1088-сон; 15.11.2024 й., 09/24/758/0926-сон (National database of legislative information, 23.11.2021, No. 09/21/707/1088; 11/15/2024, No. 09/24/758/0926) // <https://lex.uz/uz/docs/5739505>
4. Гладков Н. О проблемах реализации конституционного права работников на коллективные трудовые споры (Gladkov N. On the problems of implementing the constitutional right of workers to collective labor disputes).
5. Strike as a Fundamental Right of the Workers and its Risks of Conflicting with other Fundamental Rights of the Citizens // <https://www.islssl.org/wp-content/uploads/2013/01/Strike-Waas.pdf>
6. <https://www.acas.org.uk/strikes-and-industrial-action>
7. <https://www.gov.uk/hmrc-internal-manuals/employment-income-manual/eim065006>.
8. <https://bm.dk/media/19251/the-labour-market-in-denmark.pdf>
9. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900296>
10. Куренной А. Правовое регулирование коллективных трудовых споров. Научно-практическое пособи (Kurennoy A. Legal regulation of collective labor disputes. Scientific and practical manual).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000